



XALQ DEPUTATLARI CHUST TUMAN KENGASHINING QARORI

2022 - yil «3» - noyabr

VI-50-99-6-89-K/22

Chust tuman hokimligi

Xalq deputatlari Chust tuman Kengashining 2022-yil 27-oktabr sanasida qabul qilingan VI-50-99-6-89-K/22-sonli qarorining ilovasini qaytadan tasdiqlash to'g'risida

Tuman hokimligi tomonidan berilgan Chust tuman mahalliy byudjetining 2022-yil 3-choragida daromadlar rejasining oshirib bajarilgan qismini qaytadan yo'naltirish to'g'risidagi taklifini ko'rib chiqib, tuman Kengashi deputatlaridan tushgan takliflarni inobatga olgan holda chuqur muhokama qilib, O'zbekiston Respublikasi Budget Kodeksining 126-moddasi hamda "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 6 va 24-moddalariga asosan, xalq deputatlari Chust tuman Kengashi

QAROR QILADI:

1. Chust tuman moliya bo'limi mudiri tomondan xalq deputatlari Chust tuman Kengashiga 2022-yil 2-noyabr sanasida chiqarilgan 01-14-237/20-01/511-sonli xati va unda keltirilgan masalalar tasdiqlansin.
2. Xalq deputatlari Chust tuman Kengashining 2022-yil 27-oktabr sanasida qabul qilingan VI-50-99-6-89-K/22-sonli qarorining ilovasini bekor qilinsin.
3. Daromadlar rejasining oshirib bajarilgan qismi mazkur qarorning **ilovasi** asosida qaytadan tasdiqlansin.
4. Harajatlarni amalga oshirishga mas'ul tashkilotlar rahbarlariga:

mazkur qaror talablaridan kelib chiqib zaruriy hujjatlarni qaytadan tayyorlash;

ajratilgan mablag'lar doirasida belgilangan tartibda to'lovlarni amalga oshirish;

moliyalashtirish manbaasini ochish uchun o'rnatilgan tartibda rasmiylashtirilgan hujjatlarni tuman moliya bo'limi va tuman bo'yicha g'aznachilik bo'linmasiga taqdim etish;


ajratilgan mablag'lardan to'g'ri, maqsadli va samarali foydalanilishini ta'minlash;

ajratilgan maqsadli mablag'larni o'z vaqtida va samarali ishlatilishi yuzasidan moliyaviy hisobotlar asosida tizimli o'rganish hamda o'rganish natijalariga ko'ra, ishlatilmagan va iqtisod qilingan mablag'larni tuman mahalliy byudjetiga qaytarish choralarini ko'rsinlar.

5. Tuman hokimligining moliya bo'limi (A.Umarov)ga byudjet xarajatlar rejasiga belgilangan tartibda tegishli o'zgartirishlar kiritish, tuman bo'yicha g'aznachilik bo'limi (A.Xalilov)ga to'lovlarni o'rnatilgan tartibda va o'z vaqtida amalga oshirish vazifalari topshirilsin.

6. Mazkur qaror ijrosining nazorati Mahalliy byudjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasiga, ijrosi tuman hokimining birinchi o'rinbosari – J.Baxodirov zimmasiga yuklatilsin.

Tuman hokimi



Б.Хамдамов



Xalq deputatlari Chust tuman
Kengashining
2022 yil 3 noyabrdagi
VI-50-103-6-89-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Chust tuman mahalliy byudjetining 2022-yil 3-chorak daromadlar rejasidan oshirib
bajarilgan qismini qaytadan yo'naltirish bo'yicha
MA'LUMOT**

(so'm)

T/R	Mablag' yo'naltiriladigan tashkilot	Loyiha mazmuni	Loyiha qiymati
1	Tuman hokimligi	PQ-5072-sonli qarorga asosan daromadlar rejasining ortiqcha bajarilgan qismining 30 foizi Jamoatlik fikri asosida shakllantiriladigan tadbirlarni moliyalashtirish uchun	600 000 000
2	Tuman hokimligi	VM-312-sonli qaroriga asosan daromadlar rejasining ortiqcha bajarilgan qismidan "Yoshlar daftari" jamg'armasiga yo'naltirish	60 000 000
3	Tuman hokimligi	Tuman hokimligining sud qarorlari asosida hosil bo'lgan qarzdorlik xarajatlari	100 000 000
4	Tuman hokimligi	2021-2022-yillar davomida tumanda o'tkazilgan tadbirlar uchun olingan sovg'alar bilan bog'liq xarajatlar	104 000 000
5	Tuman hokimligi	Tuman hokimligi va ijtimoiy ko'nikma markazi xodimlarini moddiy va ijtimoiy qo'llab quvvatlash, turmush sharoitlarini yanada yaxshilash hamda ishga bo'lgan mas'uliyat va munosabatini yanada oshirish maqsadida ularga 2022-yil iyul, avgust va sentabr oylari uchun ish haqiga nisbatan qo'shimcha ustama to'lovlar to'lash bilan bog'liq xarajatlar	175 000 000
6	Xalq deputatlari tuman Kengashi kotibiyati	Xalq deputatlari Chust tuman Kengashi kotibiyati xodimlarini moddiy va ijtimoiy qo'llab quvvatlash, turmush sharoitlarini yanada yaxshilash hamda ishga bo'lgan mas'uliyat va munosabatini yanada oshirish maqsadida ularga 2022-yil 2-yarim yilligi uchun ish haqiga nisbatan qo'shimcha ustama to'lovlar to'lash bilan bog'liq xarajatlar	25 000 000

7	Xalq deputatlari tuman Kengashi kotibiyati	Yuqori turuvchi organlar farmon va qarorlarining tuman hududida bajarilishi yuzasidan samarali deputatlik nazoratini amalga oshirish maqsadida xalq deputatlari Chust tuman Kengashi kotibiyati xizmat avtomashinasiga metan gaz uskunasi o'rnatish va yonilg'i sotib olish bilan bog'liq harajatlar	7 000 000
8	Tuman hokimligi	Pano va bannerlar tayyorlash bilan bog'liq xarajatlar	8 000 000
9	Tuman Xalq ta'limi va Maktabgacha ta'lim bo'limlari	O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan Yoshlar bilan uchrashuvda berilgan topshiriqlarga asosan 1-oktabr Ustoz va murabbiylar kuni munosabati bilan rag'batlantirish maqsadida sovg'alar sotib olish xarajatlari	116 000 000
10	Tuman hokimligi	Tuman hokimligi binosini qo'riqlash bilan bog'liq harajatlar	100 000 000
11	Tuman obodonlashtirish boshqarmasi	Tuman ko'chalarini obodonlashtirish uchun gullar sotib olish xarajatlari	60 000 000
12	Tuman hokimligi	Tumanning qo'shni davlatlar bilan chegara hududlariga maxsus belgilarni xarid qilish va o'rnatish xarajatlari	46 000 000
13	Tuman Mahalla va nuroniylarni qo'llab-quvvatlash bo'limi	Tumanda keksalarini e'zozlash uchun turli tadbirlarni moliyalashtirish maqsadida "Keksalarni e'zozlash" jamoat fondiga	12 000 000
14	Tuman Mahalla va nuroniylarni qo'llab-quvvatlash bo'limi	Tuman "Saxovat va ko'mak" jamg'armasiga	60 000 000
15	Tuman hokimligi	Tuman hokimligi xizmat avtomashinasini ta'mirlash va yonilg'i sotib olish bilan bog'liq xarajatlar	20 000 000

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 193671 на приобретение Хризантема гул қишқатини сотиб олиш

Способ проведения электронный

Дата 28.11.2022

Время рассмотрения 28.11.2022 16:19

Закупочная комиссия Чуст туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	RO'ZIMBOYEV RAVSHANJON SHOKIRJONOVICH	Рахбар	Чуст туман Ободонлаштириш Бошкармаси
Секретарь комиссии	AXMEDOV MUXIDDIN MUYDINJONOVICH	Муҳандис	Ободонлаштириш
Член комиссии	ERGASHEVA MUXABBAT RUZALIYEVNA	Муҳандис	Ободонлаштириш
Член комиссии	MADALIYEV TULQINJON ERKINOVICH	тех назор	ободонлаштириш
Член комиссии	BOTIROV TOXIRJON TOJIYEVICH	Иктисодчи	ободонлаштириш
Член комиссии	PULATOV BAXROM RASULDJONOVICH	иктисодчи	йул буйича

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.11.2022 года № лота 193671.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэффициент по квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Хризантема срезанная
Подробное описание	Хризантема срезанная (01.19.21.150-0002)
Количество товара	6 000.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	10 000.00
Стартовая сумма	60 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари. Давлат рўйхатинидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномаси, Низом (Аслига тўғри мухри билан) ва раҳбар паспорт нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари. Давлат рўйхатинидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномаси, Низом (Аслига тўғри мухри билан) ва раҳбар паспорт нусхаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ	20	Умумий маълумот	20	Экспертная		
WORLDWIDE SALES STAR MCHJ	20	Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари. Давлат рўйхатинидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, Низом (Аслига тўғри муҳри билан) ва раҳбар паспорт нусхаси	20	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ	10	кафолат хати	10	Экспертная		
WORLDWIDE SALES STAR MCHJ	10	Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.	10	Экспертная		

Критерий №3 Бошқа ташкилотларга гул қўчатлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалари иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Бошқа ташкилотларга гул қўчатлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалари иш тажрибаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ	10	иш тажрибаси	5	Экспертная		
WORLDWIDE SALES STAR MCHJ	10	Бошқа ташкилотларга гул қўчатлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалари иш тажрибаси	10	Экспертная		

Критерий №4 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ	15	Инсофсиз ижрочилар реестридан маълумот	15	Экспертная		
WORLDWIDE SALES STAR MCHJ	15	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.	15	Экспертная		

Критерий №5 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ	10	Туман ДСИ дан маълумот	10	Экспертная		
WORLDWIDE SALES STAR MCHJ	10	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги	10	Экспертная		

Критерий №6 Махсулотни уз вақтида кечиктирмай ва сифатли етказиб бериш тўғрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсулотни уз вақтида кечиктирмай ва сифатли етказиб бериш тўғрисида кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ	10	кафолат хати	10	Экспертная		
WORLDWIDE SALES STAR MCHJ	10	Махсулотни уз вақтида кечиктирмай ва сифатли етказиб бериш тўғрисида кафолат хати	10	Экспертная		

Критерий №7 Танлов иштирокчисининг гулларни етиштириш учун иссиқхонаси мавжудлиги тўғрисида ва хозирда етиштирилиб тайёр бўлганлиги тўғрисида фото расмлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг гулларни етиштириш учун иссиқхонаси мавжудлиги тўғрисида ва хозирда етиштирилиб тайёр бўлганлиги тўғрисида фото расмлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ	10	фото расмлар	1	Экспертная		
WORLDWIDE SALES STAR MCHJ	10	Танлов иштирокчисининг гулларни етиштириш учун иссиқхонаси мавжудлиги тўғрисида ва хозирда етиштирилиб тайёр бўлганлиги тўғрисида фото расмлар	10	Экспертная		

Критерий №8 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ	15	давлат активларидан хат	15	Экспертная		
WORLDWIDE SALES STAR MCHJ	15	Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ	60 000 000.00	48 000 000.00 UZS	48 000 000.00	00.00	48 000 000.00	24.11.2022 16:34:45	10
WORLDWIDE SALES STAR MCHJ	60 000 000.00	50 934 000.00 UZS	50 934 000.00	00.00	50 934 000.00	25.11.2022 15:46:08	9.42396

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ	77.4	10	87.4
WORLDWIDE SALES STAR MCHJ	90	9.42396	99.42396

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 193671 от 28.11.2022 года на приобретение Хризантема гул кщчатини сотиб олиш определила победителем:

WORLDWIDE SALES STAR MCHJ
309692004

и резервный исполнитель: YUSUF BAHOR GULLARI MCHJ (307178556)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	RO'ZIMBOYEV RAVSHANJON SHOKIRJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERGASHEVA MUXABBAT RUZALIYEVNA	Согласен	
Член комиссии	MADALIYEV TULQINJON ERKINOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOTIROV TOXIRJON TOJIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	PULATOV BAXROM RASULDJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

406-6-89-ОВ/2022-сон

5«12»2022 yil.

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Чуст туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан бюджет ташкилоти раҳбари Р. Рўзимбоев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «WORLDWIDE SALES STAR» МЧЖ номидан иш кўрувчи И.Бахромов иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 Ушбу шартномага кўра "Етказиб берувчи" куйидаги жадвалда кўрсатилган маҳсулотларни белгиланган миқдорларда, сифатда, ассортиментда ва муддатларда "Харидор"га етказиб беради, "Харидор" эса етказиб берилган маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Сумма
1	Хризантема гул кўчати	дона	6000	8489	50 934 000
	Жами:				50 934 000

II. "ТОВАР (МАҲСУЛОТ)" НИНГ СИФАТИ.

2.1 Етказиб бериладиган "товар (маҳсулот)"нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган Давлат стандартлари ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт.

2.2. "Бюджет ташкилоти" га "Товар (маҳсулот)" билан бирга мувофиқлик сертификати нусхаси, Етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган ДБД (давлат божхона декларацияси) нусхаси тақдим этилади.

2.3. "Етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)" учун 3 ой муддатга кафолат берилди.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Товар (маҳсулот)" "Харидор"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "Товар (маҳсулот)" етказиб берилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" шунга ўхшаш "Товар (маҳсулот)" билан алмаштирилишини;

- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Харидор" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

3.2. "Харидор"нинг мажбуриятлари:
ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

"Товар (маҳсулот)"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида ҳақ тўлаб беради.

3.3. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Туловчи"дан талаб қилиш.

3.4. "Етказиб берувчи" қуйидагиларга мажбур:

"Харидор"га "Товар (маҳсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Харидор" томонидан мазкур шартноманинг 5.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

агар "Товар (маҳсулот)"ни етказиб бериш жараёнида "Етказиб берувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Харидор"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 90 кун муддатда текин тузатиб бериш.

3.5 «Туловчи»нинг мажбуриятлари

«Бюджет ташкилоти» томонидан маҳсулот қабул қилиб олингандан сунг керакли ҳужжатлар тақдим этилгандан сунг 90 кун муддат ичида маҳсулот ҳақини тўлиқ «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;

«Товар»(маҳсулот) суммасининг олдиндан тўланиши керак бўлган ҳақини зарурий ҳужжатлар тақдим этилгандан сунг 90 кун муддат ичида «Етказиб берувчи» ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;

«Товар (маҳсулот) ҳақини тўлаш учун маблағларни ўтказиш учун ҳар қандай тўсқинликлар бўлган ҳолда томонларни зудлик билан оғохлантириш.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 50 934 000 (Эллик миллион тўққиз юз ўттиз тўрт минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни "Етказиб берувчи" кўтаради.

Маҳсулот "Харидор"нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда "Етказиб берувчи" транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

4.3. " Бюджет ташкилоти " етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)" туркуми суммасининг 15 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган "Товар

(маҳсулот)" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 90 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

4.4. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун пул утказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. "Товар (маҳсулот)" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Товар (маҳсулот)"га ҳақ тўлаш бўйича "Тўловчи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. "Харидор"нинг розилиги билан "Товар (маҳсулот)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва "Харидор" томонидан қабул қилинган "Товар (маҳсулот)" учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган "Товар (маҳсулот)" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

5.5. "Харидор" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Товар (маҳсулот)" етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш "Харидор"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" бевосита "Харидор"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

5.8. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Товар (маҳсулот)"нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилаётган "Товар (маҳсулот)" сифати, миқдори "Етказиб берувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Етказиб берувчи" етказиб берилаётган "Товар (маҳсулот)"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари "Харидор"ка нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдориде жарима тўлайди.

6.2. "Товар (маҳсулот)"ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.3. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Бюджет ташкилоти" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VIII. Форс-Мажор.

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, агар тегишли ҳужжатлари билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Мазкур шартнома тегишли тартибда имзоланиб, Ҳазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2850-сон билан рўйхатдан ўтган (Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига асосан) амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача белгиланади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

XI. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

"Етказиб берувчи"

«WORLDWIDE SALES STAR»
МЧЖ

«Буюртмачи»

Чуст туман Ободонлаштириш
бошқармаси

Манзил: Наманган вилоят Чортоқ

Манзил: Чуст шаҳри, Чустий

тумани Янгиобод МФЙ

Тел./факс_94-300-45-67

х/в: 20208000905543998001

Банк: «Тошкент ш. Трансбанк ХА
банкнинг тармоқ филиали»

МФӨ: 00954

ИНН: 309692004



кўча 28-уй

Тел./факс 42-33-993

ш/х: 100022860142377065200110006

МФО: 00014, СТИР: 200068241

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги ягона Ҳазначилиги


х/в: 23402000300100001010

Ҳазначилик бўлинмаси

СТИР: 201122919

Рахбар


И.Бахромов

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	RAVSHANJON RO'ZIMBOYEV SHOKIRJONOVICH
	Imzolangan sana	05.12.2022 10:37
	Hujjat kodi	QJ4527460421
	Hulosa kodi	YN1535618441

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

XULOSA XS6682461112

JD7081636867

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Mahsulot etkazib berish.**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Chust tumani Obodonlashtirish bo'limi tomonidan 02.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Chust tumani yuridik
markazi
markaz rahbari:**



K.U.MAMADJANOV

04.12.2022